КУТУБХОНАСИ

2005 YIL 4 YANVAR, SESHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№3. (6.840). Sotuvda erkin narxda

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

## А.Ҳ.Тўхтаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

**Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 январь

### КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**● Кеча Эрон Ислом Республикаси вице президенти Муҳаммад Ризо Орифнинг мамлакатимизга расмий ташрифи бошланди.**

**● Афғонистон Ислом Республикаси жамоат ишлари вазири Сухроб Али Сафарий раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида турли йўналишларда, хусусан, транспорт ва коммуникация соҳасида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.**

**● Бухоро нефт ва газ саноати коллежида ОИТСга қарши кураш акцияси доирасида янги спектакль қўйилди. Талабалар ва ўқитувчиларага спектаклни саҳналаштиришда Бухоро ОИТС маркази, вилоят наркологик диспансери ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бухоро вилояти кенгаши кўмаклашди.**

**● Бухоролик фотосуратчилар — Зилола Саидова ва Ситора Муродова "Ўзбекистон: севги изҳори" халқаро танловининг совриндорлари бўлишди. Бу икки сураткаш Бухоро фотосанъатни ривожлантириш ижодиёт маркази аъзолари ҳисобланади.**

**● Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида «Энг яхши мутахассис» учинчи республика кўрик танлови ўтказилди. Унда «Энг яхши батальон командири», «Энг яхши взвод командири», «Энг яхши гуруҳ командири», «Энг яхши сержант» йўналиши бўйича ғолиблар аниқланди.**

**● «Sen yolg`iz emassan» республика болалар жамоатчилик жамғармаси ва «Young nak» (АҚШ) халқаро инсонпарварлик жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.**

**● Сирдарё вилояти шаҳар ва туманларидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг қирқ нафар ўқитувчиси фахрийлар ўртасида шашка ва стол тенниси бўйича вилоят биринчилигида иштирок этди.**

# Самимий қутловлар

**Янги, 2005 йил бошланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан Юртбошимиз ва халқимизга сиҳат-саломатлик, тинчлик, бахт-саодат, равнақ ва фаровонлик тилаб, ўз эзгу истаклари изҳор этилган самимий қутловлар ҳамон келиб турибди.**

**Қуйидагилар ўз табрикномаларини йўллашган:**

Канада Генерал-губернатори Адриен Кларксон;

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев;

Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев;

Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус ва унинг рафиқаси;

Молдова Республикаси Президенти Владимир Воронин;

Арманистон Республикаси Президенти Роберт Кочарян;

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко;

Латвия Республикаси Президенти Вайра Вике-Фрейберга;

Исландия Президенти Олафур Рагнар Гримссон ва унинг рафиқаси;

Норвегия Қироли Харальд V;

Янги Зеландия Генерал-губернатори Сильвия Картрайт;

Корея Халқ Демократик Республикаси Давлат Мудофаа Қўмитаси Раиси Ким Чен Ир;

Москва ва бутун Русь Патриархи Алексий II;

Свердловск вилояти губернатори Эдуард Россель;

Кемерово вилояти губернатори Аман Тулеев;

Кабарда-Балқария Республикаси Президенти, «Шимолий Кавказ» Уюшмаси Кенгаши Раиси Валерий Коков;

ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура;

ЮНИСЕФ Ижрочи директори Кэрол Беллами.

**Қутловлар ҳамон келиб турибди.**

# Янги йил байрами қувончли ўтди

***Янги йил - янги орзу-умидлар байрами. Бу кунлари дилга тугилган барча эзгу ниятлар йил давомида инсонга ҳамроҳ бўлади, дейишади. Шу боис одамлар янги йил байрами арафасида бир-бирларига энг яхши, энг эзгу тилакларни билдирадилар.***

Давлатимиз раҳбарининг халқимизга Янги йил табригида ҳам ана шундай олижаноб ниятлар, эзгу истаклар билдирилган. Юртбошимизнинг табригида баён қилинган теран маъно-мазмунли тилаклар халқимизнинг кўнглини кўтариб, янги-янги меҳнат зафарларига чорламоқда.

31 декабр - 3 январ кунлари пойтахтимизнинг истироҳат боғлари, сайлгоҳлари, майдонлари ҳамшаҳарларимиз ва пойтахт меҳмонлари билан гавжум бўлди.

Байрам муносабати билан ташкил этилган шодиёналар кўтаринки руҳда ўтишида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳиссаси катта бўлди.

Сайлгоҳ кўчасига оила аъзолари, дўстлари билан келган кексаю ёшнинг юзида табассум, дилида эзгу туйғу - шундай муборак кунлар учун шукроналик ҳисси аримади. Айниқса, болажонларнинг қувончи чексиз эди. Ижодий жамоалар томонидан тайёрланган концерт дастурлари, турли аттракцион ўйинлари кичкинтойлар дилини янада хушнуд этди.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Сағбон» гузарида безатилган арча атрофи ҳам шўх-шодон болалар билан гавжум бўлди. Ўзбек Миллий академик драма театри, бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари ҳамда 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг бадиий дастурларини шодиёна иштирокчилари катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

- Меҳр ва мурувват йилида туманимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди,- дейди онахон Саида Ғуломова. - «Сағбонтекстил» қўшма корхонаси, оилавий поликлиника, бир қанча таълим-тарбия масканлари, спорт майдончаси, маҳалла гузари очилди.

Байрам сайли пойтахтимизнинг Ҳадра майдонида ҳам хуш кайфиятда ўтди. Тошкент Давлат цирки жамоаси байрамга алоҳида тайёргарлик кўргани цирк усталарининг чиқишларида намоён бўлди. Бу ердаги ранг-баранг ва такрорланмас дастурлар нафақат болалар, балки катталарга ҳам катта қувонч улашди.

Янги йил сайли Халқлар Дўстлиги майдонида алоҳида кўтаринки руҳда ўтди. Эл севган санъаткорлар, болалар бадиий жамоалари, эртак қаҳрамонлари байрамга катта шавқ-завқ бағишлади.

Янги йил байрами томошалари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам катта шодиёна билан ўтди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

# Истиқлол берган иқбол











**Б.АКРАМОВ олган суратлар.**

# Соғлом бўлсаккина буюк ишларга қодирмиз

***"Азизларим, Аллоҳ таоло берган соғлигимизни асрайлик. Чунки, соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади", деди Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида.***

Бу гаплардан нафақат келажаги буюк давлат қураётган ёш авлод, балки мустақил мамлакатнинг меҳр-мурувват оғушида яшаётган кекса авлоди ҳам руҳланиб кетди. Чунки "Меҳр ва мурувват йили"дагидек, шубҳасиз, "Сиҳат-саломатлик йили"да ҳам асосий диққат-эътибор, аввало, кексаларга, ногиронлар, фахрийларга, оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилади. Кишиларнинг сиҳат-саломатлигини сўзсиз, давлатимиз ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилади. Президентимиз нутқида баён қилинган қоида ва хулосалардан халқимиз буни англаб турибди.

Биз шуни тушуниб етдикки, Мустақиллик – бу озодлик ва эркинлик билан бирга, инсонпарварлик дегани ҳамдир. Фақат озод ва эркин мамлакатдагина халққа ғамхўрлик қилиш, меҳрибонлик, меҳр-мурувват кўрсатиш имкониятлари мавжуд. Фақат озод ва эркин мамлакатдагина ўз халқининг манфаатини кўзлаб, инсонпарварлик ғояларини ифодалаган қонунлар, қарорлар ҳамда дастурлар қабул қилинади. Озодлик ва эркинликнинг шарофати шундан. Мустақилликнинг мазмун-моҳиятини буюк келажак ғоялари билан боғлашимизнинг боиси шундан.

Ўтган йилларга бир назар ташлайлик. Озод мамлакатимизда Инсон тўғрисида ғамхўрликка йўналтирилган қанчадан-қанча фармонлар, қонунлар, қарорлар, дастурлар қабул қилинди. Якунланган йилда амалга оширилган "Меҳр ва мурувват йили" дастури бўйича аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан боқувчисини йўқотганлар, ногирон кишилар, фахрийларга, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга кўрсатилган меҳр-мурувват кўлами ва аҳамиятини бир оғиз сўз билан ифодалаб бериш қийин. Яхшиси, инкор этиб бўлмайдиган рақамларга мурожаат қилайлик. Дастурда белгиланган тадбирлар ижроси учун биргина давлат бюджети ҳисобидан 250 миллиард сўм сарфланди. Ҳомийлар эса бундай савобли ишларга қарийб 115 миллиард сўм маблағ ажратишди.

### 2005 ЙИЛ – СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

Дастурда меҳр-мурувват мақсадларига йўналтирилган долзарб вазифалар қарийб 98 бандда аниқ ва лўнда ифодалаб берилди. Халқимиз том маънода саховатли халқ. Бу хислат бутун йил давомида намоён бўлди. Биз маҳаллаларда, қишлоқ ва туманларда ҳар бир инсон иложи борича имкониятига яраша меҳр-мурувват кўрсатишга интилганининг гувоҳи бўлдик. Кишиларимиз бир-биридан бўлса – борини, бўлмаса – ширин сўзини аямайди. Давлат ва нодавлат идоралари, турли корхона, муассаса ва ташкилотлар, тадбиркорлар, оддий сахий инсонлар савоб ишларга салмоқли улуш қўшдилар.

"Меҳр ва мурувват йили"нинг асосий ютуғи шундаки, одамларимиз ўртасида меҳр-оқибат янада кучайди, ўзаро ишонч ортди, жамиятда маънавий жипслик мустаҳкамланди, миллий қадриятимизнинг инсонпарварлик қирралари ёрқин намоён бўлди. Бизда ҳеч ким қаровсиз ҳам, ҳеч ким ёлғиз ҳам эмаслиги ўз амалий ифодасини топди. Мустақиллик йилларида оналар, болалар ва қарияларга ғамхўрлик кўрсатиш, маҳаллаларни обод қилиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш бўйича қатор тадбирларни, яъни дастурларни амалга оширдик. Аслида бу дастурлар мантиқан бир-бирининг давомидир. Жумладан, "Меҳр ва мурувват йили" дастурига кўра, ўтган йилда 1 миллион 665 минг нафардан зиёд нафақахўрлар, 535 мингдан зиёд ногирон кишилар диспансер кўригидан ўтказилди, кўплаб эҳтиёжманд қариялар ногиронлар аравачалари, протез-ортопедия буюмлари ва бошқа зарур анжомлар билан таъминланди. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлашга қаратилган дастурларни амалга оширишга ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бир неча миллиард сўм сарфланди. Соғлиқни сақлаш билан боғлиқ бошқа кўплаб вазифалар бажарилди. Бир сўз билан айтганда, аҳолига тиббий хизмат орқали меҳр-мурувват кўрсатилди.

Мана, "Сиҳат-саломатлик йили"га ҳам қадам қўйдик. Демак, бу кенг қамровли, хайратли тадбирлар яна давом этади. Бу – инсонпарварлик ғоясини ҳаётга татбиқ этишда янада илдам қадам ташланади, дегани. Халқимиз меҳр-мурувватнинг мантиқий давомидан баҳраманд бўлади. Инсоннинг энг катта бойлиги – саломатлиги муҳофаза этилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, Янги йилнинг мамлакатимизда "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилиниши, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизнинг тараққиёт йўлида янги поғонага кўтарилишида, унинг ҳаётида муҳим босқич бўлади.

Албатта, соғлом бўлишимиз, аввало, ўзимизга, ҳар биримизга, шунингдек, жамиятимиз, ҳамда тиббиётимизнинг тараққиёт даражасига боғлиқдир. Бундай эзгу мақсадимиз учун Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида баён қилинган қоида ва хулосалар, билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда Ўзбекистон Президентининг "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурини шакллантириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойиши дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шубҳасиз, ҳар биримиз ўз соғлигимиз ҳақида аввало ўзимиз қайғуришимиз зарур. Чунки, саломатлик – инсон учун энг катта бойлик. Шунга эга бўлсаккина, энг муҳим бойликка – турмуш фаровонлигига эришамиз. Шундай экан, туман бойлигимизни – саломатлигимизни асрайлик. Юртбошимиз таъкидлаганидек, аслида, ҳар бир инсон бу ҳаётнинг ҳеч қачон тугамайдиган ташвишларидан бироз холи бўлиб, ўзи ҳақида ҳам озгина ўйлаши, соғлиги ҳақида қайғуриши, таъбир жоиз бўлса, ўзини жиндай яхши кўриб, яшаши керак эмасми?

Чиндан ҳам "Сиҳат-саломатлик йили"да бироз бўлса-да, ўзимизни яхши кўриб яшашга ўрганайлик!

**Иброҳим НОРМАТОВ**

# Мардлик касбин улуғлаётганлар

***Мардлик — яхшилик, эзгулик каби беминнат. Ўз манфаатингдан умумманфаатини устун қўя олганингдан юзага келади мардлик. Бунинг устига бу тоифадаги одамлар қилаётган ишини – хоҳ қаҳрамонлик бўлсин, хоҳ эзгу иш бўлсин, жасорат санашмайди.***

Шунчаки бир бурч дея ўйлашади. Худди ана шу ерда мардлик туғилади. Салкам икки йил муқаддам жасорат кўрсатган оддий аскар, бугунги курсант Баҳодир Ҳусанов ҳам ана шундай қалб соҳиби. Миллий истиқлол мафкураси руҳида камол топган бу ўғлон мардликни худди шундай тушунади.

### ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН

...30 март, якшанба. Соат чамаси ўн бир ярим. Баҳодир тезкор навбатчидан буйруқ олди. Унга кўра радиолокацион станцияни ишга тушириб, ҳаво сарҳадларимиз ҳимоясига киришмоғи лозим. Жанговар навбатчиликка биринчи бор тушиши эмас. Муайян тажрибаси бор. Синчковлик ва ўзига ишонч, қатъият билан хизмат вазифасига киришди. Турли хаёлларга берилиши, чалғишга ҳаққи йўқ. Навбатчилиги давомида юзлаб нишонларни кузатади. Аммо фақат кузатиш билан иш битмайди-да. Нишонлар узоқлиги, йўналиши, хуллас, тегишли маълумотларни аниқламоғи шарт. Қолаверса, ҳаво сарҳадларимизни ҳимоя қилишда озгина бўлса-да, улуш қўшаётгани учун соҳасига меҳр билан киришади. Албатта, Баҳодирга осон тутиб бўлмайди. Вазифаси диққатни бир жойга жамлашни, ҳамиша ҳушёрликни талаб этади.

Соат 12.00. Радарга термулиб турган оператор кутилмаганда номаълум, давлат белгиси йўқ, графикда бўлмаган нишонни кўрди.

(Давоми 2-бетда)

### ОНАЖОНИМ ТАБИАТ

***Ёзнинг иссиқ кунларидан бирида, аниқроғи, 16 июнда чўлда ўқ овози янграб, "Жайрон" экологик маркази нозирлари тағин-да сергак тортишди.***

Чўлда бегона из дарҳол сезилади. Мотоцикл қолдирган из ортидан борган табиат қўриқчилари браконьерлар иккита қуённинг умрига зомин нима бўлади? Ана шундай хавотир билан орадан ўн уч кун ўтди. 29 июнда саҳрода яна ўқ овози янгради. Экомарказ бошлиғи Ғулом Жумаев, бош нозир Фарҳод Бешимов ҳамда Аҳат Нуриев, Мансур Ортиқов, Исмоил Дурдиев сингари нозирлар бу гал илдамроқ ҳаракат қилишди. Кимсасиз чўлда браконьерлар изига тушишга муваффақ бўлинди. Қарашса,

# Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?

бўлишганини аниқлашди. Аммо чақирилмаган меҳмонлар аллақачон жуфтакни ростлаб қолишган, ён-атрофда дилни ғаш этувчи сукунат чўкканди.

Бу браконьерлар ким? Уларнинг навбатдаги ўлжаси яна ўша таниш из.

– Браконьерлик - бу шафқатсиз касаллик, - дейди кейинчалик биз билан суҳбатда Ғулом Жумаев. – Унга чалинган кишининг буткул тузалиб кетиши мушкул...

(Давоми 2-бетда)

BANK

ХАЛҚ БАНКИ
сизнинг
оилангиз банки

# Шартноманинг шарти бор

***Маълумки, кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг муҳим ва етакчи тармоқларидан бўлмиш қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар амалга оширилди.***

Бунга қишлоқ хўжалигига оид қатор қонунлар, фармонлар ҳамда қарорлар алоҳида ҳуқуқий муносабатларни жорий этиб, кўп тармоқли иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган катта имкониятларни очиб берди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, қишлоқда бозор иқтисодиёти тамойилларини қарор топтириш кўп жиҳатдан ўзаро тузилган шартнома интизомига қай даражада риоя этилишига боғлиқ.

Кундалик ҳаётимизда "Битим", "Шартнома", "Контракт" каби ибораларни кўп ишлатсак-да, бу сўзларнинг асл моҳиятига унчалик эътибор бермаймиз. Кўпчилик шартномани икки томоннинг келишувини ифодаловчи ҳужжат сифатида, айримлар эса тарафларнинг "олди-бердиси"ни расмийлаштириш воситаси сифатида биладилар.

### ҚОНУН ВА ИЖРО

Лекин бозор иқтисодиёти шароитида шартноманинг иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий воситаси сифатидаги ўрнини, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида вужудга келаётган муносабатларни тартибга солишдаги аҳамиятини кўпчилик яхши билмайди.

Айниқса, нисбатан янги бўлган деҳқон, фермер ва бошқа қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари раҳбарларининг шартномалар тўғрисида етарли билимга эга эмаслиги, шартноманинг аҳамиятини тўла англаб етмаслиги, уларнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, шартномалар тузиш тажрибаси ва ўз юридик хизматига эга бўлган турли хил тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан бўладиган иқтисодий муносабатларида қийинчиликлар юзага келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

### ШУКРОНА

***Янги йил арафаси, ажаб бир яқин дўстуёронлар ўртасида суҳбат борарди. «Кўнгил кўнгилдан сув ичар» деганларидек, дил-дилларига монанд, энг муҳими болаликдан бир маҳаллада яшаган мактабдошлар Акмалхон Тўранинг хонадонига тўпланишган.***

Чунки улар ўрта мактабни тугаллаганларидан сўнг ҳар сафар янги йил кирар куни учрашишга бир-бирларига сўз беришган. Қанча йиллар ўтиб, ҳаммалари бола-чақали бўлиб кетган бўлсалар ҳам, касби-корлари ким бўлишидан қатъий назар, шу куни қаерда бўлмасинлар етиб келишлари шарт эди.

Мана Акмалхон дўстимизнинг хонадони. Дастурхон тузалган. Беш оғайни ботирлар: Зокирхўжа Турсунхўжаев, ўрта мактабда тил ва адабиёт ўқитувчиси, яна шоир, ўша кезлари мактаб футбол командасида дарвозабон эди, анави дароз бўйли хушмўйлов киши Асрор Қодирий ҳозир тижорат ишлари билан шуғулланади, опоқдан келган хушсуврат киши Иброҳим Амин, ўзи аслида тилшунос, ҳам файласуф. Уй эгаси Акмалхон эса, тарихшунос олим, иқтидорли билимдонлардан. У мактабда синфга бош эди, улфатлар энди ўзларига жўрабоши қилиб олишган. Кўнгил мулки деган шундай кенг, бой уммон борки, унинг эгаси - Инсон ҳазратларининг ўзидир. Лекин вақти келса, бу салтанат шундай тор бўлиб қоладики, ундан ўзингиз ҳам, бошқалар ҳам озор чекади. Кўнгилнинг чароғи кўз, ахборот олгувчиси эса қулоқ эрур.

# Кўнгил мулки

(Давоми 4-бетда)

